

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>М.Исломова, Ҳ.Жўраев</b>	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини .....	189
<b>О.Абобакирова, М.Жабборова</b>	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари .....	192
<b>Г.Касимова</b>	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот .....	196
<b>М.Раҳмонов</b>	
Сўзнинг саломатликка таъсири .....	199
<b>М.Амонов</b>	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида .....	202
<b>Г.Умаржонова</b>	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси .....	206
<b>Х.Шокирова</b>	
Лисоний белги концепцияси .....	209
<b>З.Маруфова</b>	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини .....	212
<b>И.Аҳмаджонов</b>	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир .....	215
<b>Н.Махмудова</b>	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари .....	219
<b>А.Ахтямов</b>	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили .....	222
<b>З.Маматқулова</b>	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи .....	226
<b>Х.Максудова</b>	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат .....	230
<b>Э.Абдуллаева</b>	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида .....	234
<b>Ш.Хошимова</b>	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини .....	238
<b>Ф.Абдурахимова</b>	
Сўз ясашида ички форма .....	243

#### ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир .....	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони .....	247

УДК: 41+415.61

## НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND – ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЭКВИВАЛЕНТЛИК ҲОДИСАСИ

### ЯВЛЕНИЕ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ СОМАТИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С КОМПОНЕНТОМ “HAND – ҚЎЛ” В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

#### EQUIVALENCE OF SOMATIC PHRASEOLOGIES WITH COMPONENT MANUAL LANGUAGE IN GERMAN AND UZBEK

Умаржонова Гўзал Мухторовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Умаржонова Гўзал Мухторовна

– Фарғона давлат университети, ўқитувчи.

#### Аннотация

Мақолада немис ва ўзбек тилларида “hand - қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг эквивалентлик ҳолати таҳлил қилинади. Тўлиқ, қисман ва ноль эквивалентлик ҳолатлари мисоллар орқали ёритилади.

#### Аннотация

В статье анализируется эквивалентность соматических фразеологических единиц с компонентом “hand - қўл” в немецком и узбекском языках. Полные, частичные и нулевые эквиваленты фразеологических единиц освещаются на примерах.

#### Annotation

The equivalence of the somatic phraseological units with the component “Hand - қўл” in German and Uzbek languages are analyzed in the present article. The full, partial and zero types of equivalents of the somatic phraseological units are enlightened by examples.

**Таянч сўз ва иборалар:** соматик фразеологик бирликлар, эквивалентлик, тўлиқ, ярим ва ноль эквивалентлик, тил хусусияти, маъно.

**Ключевые слова и выражения:** соматические фразеологические единицы, эквивалентность, полные, частичные и нулевые эквиваленты, свойства языка, значение.

**Key words and expressions:** somatic phraseological units, full, partial and zero equivalence, language features, meaning.

Фразеологик бирликларнинг таҳлилида уларнинг эквивалентлик ҳолати масаласи алоҳида эътиборга эга. Фразеологик бирликларнинг эквивалентларини аниқлаш, ибораларда ҳар қайси тилга хос хусусиятларни ифодалаш диққатга сазовор масалаларидан бири деб ҳисобланади.

Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларида “hand - қўл” компонентли соматик бирликларнинг эквивалентларини аниқлаш белгиланиб, уларни қай даражада бир-бирига мослигини, эквивалентлилик даражасини юзага чиқаришга эътиборимизни қаратдик.

Тўлиқ эквивалентлик – бу, иккала тилнинг маънолари ва лисоний-типологик фарқлар ўртасидаги маданий-семантик тафовут туфайли жуда кам учрайдиган ҳодиса [1].

“Қисман эквивалентлик нафақат тизим даражасидаги ўхшашликлар ва фарқларнинг маълум бир нисбатини англатади, балки натижада бир томондан мавжуд ўхшашликлар туфайли маълум контекстларда ундан фойдаланиш имконияти, иккинчи томондан, ушбу контекстда пайдо бўлган фарқлар туфайли ундан фойдаланишнинг мумкин

эмаслиги тушунилади”. Қисман ёки ярим эквивалентлик тиллараро ўзгарувчанликни кўрсатади. Улар компонентлар занжирида қисман ёзишмаларда ифодаланади, аммо улар бир хил маънога эга ва бир хил ёки ўхшаш тасвирга эга[2].

Ноль, яъни эквивалентсиз соматик бирликлар тадқиқ этилаётган ёки қиёсланаётган тилларда турли тарзда ифодаланиши билан белгиланади.

Айнан нол эквивалентли фразеологик бирликлар маълум бир тилнинг фразеологик бойлигини, фразеологиянинг ўзига хос бетакрор миллий хусусиятини намоён этади.

“Hand - қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг эквивалентларини таҳлил қилиш жараёнида немис-рус фразеологик, рус-ўзбек луғатлардан, интернет маълумотларидан, бир тиллик изоҳли луғатлардан фойдаландик. Кўп ҳолларда немис ва ўзбек тилларида аксарият соматик фразеологизмларнинг тўлиқ эквивалентлари намоён бўлган. “Hand - қўл” компонентли соматизмларнинг қисман эквивалентлари ҳам талайгина. Эквивалентсиз, яъни ноль

эквивалентли соматик бирликларнинг таржимасида биз ўзбек тилида уларга мос фразеологик бирликларни топишга ҳаракат қилдик. Албатта, бу ҳолатда ўзбек тилида “hand қўл” компонентли соматик бирликлар бошқа компонентлар орқали берилди. Айрим ҳолатда немис тилидаги соматик бирликларнинг ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар орқали таржима қилиш имконияти бўлмаганда, биз уларнинг изоҳини беришга ҳаракат қилдик. Айтишимиз керакки, фразеологизмларнинг турли тилларда эквивалентларини излашда, асосан, тилдаги мавжуд бўлган фразеологик бирликлар билан тўлдирилиши керак. Фразеологизмлар миллат тилининг ўзига хослигини, тил соҳибларининг ўз тилидан моҳирона фойдаланганлигини, миллатнинг лисоний манзарасини, тилнинг серқирралигини, кўчма маъноларга бойлигини таъминлайди. Лексик бирликлар ёки оддий сўз бирикмалари фразеологик бирликлар каби тилнинг ранг-баранглигини ифода эта олмайди. Битта тилдаги фразеологик бирликнинг маъноси иккинчи тилнинг фразеологик бирлиги орқали узатилиши ушбу фразеологик бирликнинг маъносини бошқа тилда чуқурроқ намоён этилишини таъминлайди. Шунинг учун, имкон қадар, биз соматик фразеологик бирликларга бошқа тилда уларнинг маъносига мосланган холда фразеологик бирликларни тавсия этишга ҳаракат қилдик. Айрим ҳолатда, луғатларда “hand-қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг маъноси етарли даражада кўрсатилмаганда, биз ўзимизнинг тавсиямизни бериб ўтдик.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, фразеологик луғатларда икки тилнинг фразеологик тизимини ва бирликларини изоҳлашда ҳар қайси тилнинг маданий ўзига хослиги ажралиб туради. Ўзбек тилида *қўли гул, қўли ширин, қўли бемаза* тўлиқ эквивалентлари билан ифода этилмайди. *Қўли гул* соматик фразеологик бирликнинг немис тилидаги *eine grüne hand* ярим эквивалентли фразеологик бирликлар қаторига киритдик, чунки ўзбек тилидаги ушбу иборанинг тўлиқ хусусиятларини кўрсата олмайди. *Қўли ширин, қўли бемаза* ибораларининг биз немис тилида эквивалентлари мавжуд эмаслигини эътиборга олган холда, уларнинг таржимасини изоҳ орқали луғатда келтирамиз *der Mensch, der lecker kochen, der Mensch, der schlechte kochen*. Шунингдек, немис тилидаги “hand” компонентли қатор фразеологик бирликларга биз ўзбек тилида “қўл” компоненти орқали эквивалентини бериш фразеологик бирликнинг

маъносини бера олмаслигини инобатга олиб, уларни ўзбек тилида мос бўлган фразеологик бирликлар билан тўлдирдик.

*von der Hand in den Mund leben* – *зўра кун кечирмоқ*;

*zwei linke Hände haben* – *қўли ишга, оғзи ошга бормайду*;

*zwei rechte Hände haben* ибораси инсоннинг нафақат ишга лаёқатлигини, балки иқтидорлиги, эпчиллигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ўзбек тилида ушбу соматизмга мос эквиваленти *қўлидан ҳамма иш келади* иборасини танладик. Айрим ҳолатда фразеологизмларнинг антонимик ҳолатини учратиш мумкин. Юқоридаги иккита ибора бунга мисолдир. Осиё миллатларидан кўра кўпроқ Европа миллатларида чап ва ўнг томон салбий ва ижобий ҳодиса, воқеа, ҳаракат билан боғлиқлигини намоён этади. Бу нафақат немис тилида, балки бошқа олмон гуруҳига мансуб тилларда ҳам учрашиши мумкин. Тилнинг фразеологизмлари бевосита ушбу тилда сўзловчи кишиларнинг маданияти, турмуш тарзи ва тарихи билан боғлиқдир. Шу билан бирга *rechte Hand* – *ўнг қўл/ чап қўл* – *linke Hand* биринчи ва иккинчи даражани кўрсатади. *Ўнг қўли бўлмоқ* – биринчи муҳим ёрдамчиси бўлмоқ, ишончли одами бўлмоқ маъносини англатади. Қизиқарлиси, ўнг томон аксарият маданиятларда нафақат ижобийликни, балки муҳим, биринчи даражани ифодалайди. Бу мисоллар тўлиқ эквивалентли мисоллар қаторига киритилади.

*Eine Hand wäscht die andere* – *мендан угина, сиздан бугина* соматик фразеологик иборани биз ярим эквивалентли фразеологик гуруҳлар қаторига жойлаштирдик. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликда немис тилида қўлланган компонентлари мавжуд бўлмаса ҳам, маъно жиҳатдан бир-бирига мослиги туфайли икки тилда мувофиқлик кузатилмоқда.

*Aus erster Hand* ва *aus zweite Hand* иборалари ўзбек тилида тўлиқ эквивалентли бўлиб таърифланади *биринчи қўлдан, иккинчи қўлдан*. Бу иборалар икки тилда ҳам савдосотиқ ёки яна бошқа олди-берди алоқаларда, маълумот берилишида ишлатилиб, ишлаб чиқарган одамдан, биринчи шахсдан, воситачисиз ёки воситачи орқали маъноларини беради. Яна шуни айтиш лозимки, *zweite Hand* иборасининг ҳозирги замон немис тилида маъноси кенгайтирилиб, ишлатилган, эски нарсаларни англатади. Лекин ўзбек тилида ушбу маъноси *иккинчи қўл* қўлланмайди. Бу ҳолатда немис тилидаги ушбу соматизмни ушбу маъносининг эквивалентини ўзбек тилида изоҳлашда *ишлатилган буюмлар*,

нарсалар изоҳи орқали берилиши кузатилади. Бир тилнинг хусусиятини иккинчи тилда кўрсатиш учун изоҳли ифода берилмоқда.

Шунингдек, тўлиқ эквивалентлар орқали ифода этилаётган “Hand – қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар қаторига *die Beine in die Hand nehmen* – оёғини қўлга олмоқ;

*die linken Hand weiß nicht, was die rechte tut* – чап қўлини қилаётганини ўнг қўли билмайди;

*die Hand andern/wechseln* – бошқа қўлга ўтмоқ;

*Eine feste/starke Hand haben* – қаттиққўл;

*durch viele Hände gegangen sein* – қўлма-қўл бўлмоқ;

*Eine schwere Hand* – қўли оғир;

*Einen langen Hand haben* – қўли узун;

*in die Hand/in seine Hände nehmen* – қўлига олмоқ;

*in guten/schlechten Händen sein/liegen* – яхши/ёмон қўлда бўлмоқ;

*in jmds. Hand fallen / jmdm. in die Hand fallen* – қўлга тушмоқ;

*jmdm. auf etw. die Hand geben* – қўл ташламоқ;

*jmdm. auf die Finger (Hände) schauen* – кимнингдир қўлига қараб қолмоқ; *etw. in die Hand/in die Hände bekommen/ (ugs.:) kriegen* – қўлга киритмоқ; *jmdm. in die Hand geraten* – кимнидир қўлга олмоқ;

*jmdn. um die Hand seiner Tochter bitten* – кимнингдир қизини қўлини сўрамоқ;

*leichter Hand* – қўли енгил;

*eigene Hand haben* – қўли бор(қандайдир ишда);

*Hände weg!* – қўлини торт;

*schmutzige Hände bekommen / sich schmutzige Hände/die Hände schmutzig machen* – қўлини ёмон ишга урмоқ;

*sich in die Hand nehmen* – ўзини қўлга олмоқ кабилар киритилади. Биз фразеологик бирликларни уларнинг эквивалентларига кўра гуруҳларга тақсимлашда улар англатаётган маъно ва компонентларнинг бир хиллигини

иноватга олдик. Айрим ҳолатда соматик фразеологик бирликдаги битта компонент мос келмаса-да, лекин маъно жиҳатдан уйғунлик кузатилса, бундай соматизмларни ҳам тўлиқ эквивалентли гуруҳига киритишни лозим деб топдик.

Фолбинлик қилиш, башоратчилик қилиш маъноси қуйидаги соматик ибораларда мужассамланган: *jmdm. etw. aus der Hand wahrsagen* – *an einer Hand zu zählen sein* – *aus der Hand lese (wahrsagen)*– қўлдан кўриб бериш. Иккита тилда ҳам ушбу иборалар битта маъно билдирганлиги сабабли тўлиқ эквивалентли фразеологизмлар қаторига киритилди.

*Klebige Hand haben* ибораси ўзбек тилида *қўли эгри* соматизми орқали биз ярим эквивалентли соматик фразеологизмлар гуруҳга қўшишни лозим деб топдик. *Klebige* лексемаси немис тилида кенгроқ маънога эга бўлади. Ушбу лексема ёпишқоқлик, ифлослик семалари билан таърифланади. Лекин икки тилда ҳам соматик бирликлар инсоннинг ўғрилиқ қилишга мойиллигини турли коннотациялар орқали ифодалаганлиги учун биз ярим эквивалентли соматизмларга бириктирдик.

*Бирорта ишга аралашиб қолмоқ* маъносини қуйидаги соматик фразеологик бирликлари ифода этади: *die Hand/seine Hände [bei etw.] im Spiel haben* – ўйинда қўли бор/ бирорта ишда қўли бўлмоқ/ аралашмоқ. Немис ва ўзбек тилларида бу соматизмлар ўзининг битта компонентининг фарқланиши билан ажралиб туради.

Немис тилидаги “Hand” компонентли соматизмларга ўзбек тилида тўлиқ эквивалентли бўлмаса-да, лекин биз маъноси қайсидир жиҳатдан мос келган фразеологик бирликларни таклиф қилдик.

Хулоса чиқариш мумкинки, қиёсланаётган тилларнинг фразеологик иборалари доимо ҳам тўлиқ эквивалентли бўла олмайди. Бу, ҳар қайси тилнинг ички имкониятини, экстралингвистик омилларини намоён этишига туртки бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Agnieszka Fryszkiewicz Phraseologismen mit dem Glied “reka/Hand, Arm”. Ein polnisch-deutscher Sprachvergleich. Grin Verlag. 2012.
2. Rigina Hessky. Phraseologie. Walter de Gruyter. 1987.
3. Laskowski M. Deutsche und polnische komparative phraseologismen aus kontrastiver und phraseodidaktischer Sicht. Artikel. Bern. 2015.
4. Földes C. Wirrer j. Phraseologie und Parömiologie, 15 Baltmannsweiler: Schneider Verlag Hohengehren: Laccum 2002, S. 267-284. <https://pub.uni-bielefeld.de/record/1902064>

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD))